

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2003 йил, 27 ноябрь, пайшанба № 143 (1875).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 27 ноября, 2003 г. № 143 (1875).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Узбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 24—26 ноябрь кунлари давлат таширифи билан Болгария Республикасида бўлди.

Узаро ҳамкорлик истиқболларининг устувор йўналишларини белгилаб олиш, ҳуқуқий асосни кенгайтириш, жамият ва иқтисодий-ишлох этиш борасида тажриба алмашиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш мақсад қилинган ушбу ташириф Узбекистон — Болгария муносабатларининг сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. 14 ҳужжат имзолангани дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳидаги алоқаларнинг барқарорлиги ва давомийлигига яна бир тасдиқ бўлди.

Узбекистон учун Болгария билан ҳамкорлик ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг нодоний аъзоси, 2004 йили Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг раҳбарлигини қабул қилиш ва НАТОга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиш арафасида турган бу мамлакатнинг Узбекистонга хайрихоҳлиги биз учун катта имкониятлар эшигини очди.

Давлат таширифи асносида Узбекистон раҳбари Болгария Республикаси Халқ йигини раиси Огнен Гержиков билан музокара ўтказди. Учрашувда Узбекистон билан Болгария ўртасида парламентларо муносабатларни ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Болгария Бош вазирини Симеон Саксбургготский билан учрашди. Музокарада асосан савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Болгария дўстлик ришта-лаби мустаҳкам қарашлари уйғун мамлакат билан алоқаларини янада ривожлантириш ниятида, Узбекистон Болгария учун шундай мамлакат ҳисобланади.

Мамлакатлар хавфсизлик ва барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида ҳам бир

хил фикрда. Узбекистон каби Болгария ҳам ўз минтақасида наркотик моддалар контрабандаси йўлидаги энг катта тўсиқ саналади, халқаро аксилтеррор коалициясини дадил қўллаб-қувватлаган давлатлардан.

Президентлар муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидлади. Узбекистон ва Болгария бир-бирини узоқ муддатли ва ишончли шерик деб билишини қайд этди. Ислом Каримов Болгариянинг халқаро майдондаги нуфузини кузатиб келаётганини айтган бўлса, Георги Парванов мамлакатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг барқарорлигини сақлашдаги аҳамиятига юксак баҳо берди.

Узбекистон—Болгария муносабатларининг янги поғонага кўтарилишида икки давлат раҳбарининг хизмати беқийс. Ташириф юксак савияда ва самарали ўтгани уларнинг ҳамфикрлиги, ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижаси, десак, ўрнилидир. Сафар чоғида Узбекистон раҳбари Болгария давлатининг юксак мукофоти — «Старо планина» ордени билан, Георги Парванов эса Ватанимизнинг «Буёқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Учрашувлардан берида мамлакатимиз раҳбари Болгария томонининг бир фикрига гўзал тузатиш киритди. Яъни, бу мамлакат София наздидаги кэби «Улкан Европа бозорига кичкина эшик» эмас, ҳақиқий дарвоза, мустаҳкам кўприк бўлиши керак, Узбекистон унинг учун Осиёдаги таянч нуқта вазиёсини бажаришга тайёр.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилди. Чунки икки томонлама савдо ҳажми томонларини бирдек ташвишга солиб турган эди. Бу борадаги кўрсаткич 10 миллион АҚШ долларига ҳам етмаётгани кўп-кўп им-

кониятлар ишга солинмай келаётганини кўрсатди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, 5-10 миллион долларлик кўрсаткичга битта шартнома билан ҳам эришиш мумкин.

Савдо ҳажми камлигига қатор сабаблар бор. Аввало, ҳуқуқий асос такомиллашмаган. Гап икки томонлама солиқ солишининг олдини олиш, сармояларни ҳимоялаш ва кафолатлаш, банкларро алоқачи мустаҳкамлаш ҳақида кетмоқда. Ташириф чоғида бу муаммоларга барҳам берилди. Ҳуқуқий асос мустаҳкамланди, яъни ўндан зиёд ҳужжат имзоланди. Айниқса, даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочини, темир йўл транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид, Узбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Болгария Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ислом Каримов иқтисодий шароит, сармоявий муҳит ҳақида ҳам томонлар етарлиқ маълумотга эга эмаслиги туфайли товарлар ва хизматларни ҳаракатта келтириш сустигини таъкидлади. Қисқаси, ушбу таширифта қадар қандай маҳсулотни олиш ё сотиш, қандай хизмат туридан фойдаланиш ё таклиф этиш керак, деган саволлар жавобсиз эди. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Узбекистон — Болгария ҳуқуматларо комиссиясининг ташириф арафасида ўтказилган йиғилишида бу масалага ойдинлик киритилди.

Президентлар комиссия фаолиятига юқори баҳо берди. Зеро, сафарнинг иккинчи кунини ўтказилган Узбекистон — Болгария бизнес-форумида мезбон томондан саксонга яқин корхона ва ташкилотдан вакиллар қатнашди. Иштирокчилар шу ернинг ўзида тўқимачилик ва фармацевтика саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, пойафзал тикиш, мевасабзавотни қайта ишлаш, озиқ-овқат, гўшт-сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш

(Давоми 2-бетда).

● СУЗ — ЕШ АСКАРЛАРГА МАҚСАДИМИЗ БАРКАМОЛЛИК

— Ҳар бир мамлакатда Ватан ҳимояси, халқ тақдири мард йиғитларга тоширилган, — дейди суҳбат чоғида хоразмлик оддий аскар Хайрулло Атамуродов. — Мен бу гапларни шунчани айтганман йўқ, ўз ўқинларим ва биланларимдан хулоса қилаяман.

Мен ҳам барча тенкурларим қаторини йиғитлик бурчимни ўташ учун яқинда ҳарбий хизматни бошладим. Десаңчилар взводда хизмат қилаяман. Маълумки, десаңчи бўлишнинг ўзини хос мураккаб томонлари бор. У қандай шароит бўлишига қарамай, хоҳ самодда, хоҳ йўл ёки чўлда бўлсин қаршисиданги тўсиқларни енгай ўтмоғи лозим. Бунинг учун эса десаңчи биринчи навбатда жисмоний

жиҳатдан тобланган бўлиши керак. Мен ўқувчи кезларим мактабда ҳам, уйда ҳам спорт билан фаол шуғулланардим.


Бу ерда бизни яхши кутиб олишди. Дастлабки кундан оқ ўзим уйлаганимдек жисмоний машгулотлар бошлаб юборилди. Тажрибали аскарлар кўмағида замонавий анжомлар билан жиҳозланган майдонда турли спорт машқларини бажара бошладик. Ешлигимдан спорт билан шуғулланганим жуда қўл келмоқда. Сержанларимиз — Улугбек Болиев ва Шавкат Рауповларнинг хушмуомалалиги ҳамда яхши тажрибага эга эканлиги биздаги иштиёқнинг кундан-кунга ортишига сабаб бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

● ВОЕННЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЫ

УВЛЕКАЯ ЛИЧНЫМ ПРИМЕРОМ

В воинском коллективе взвода охраны пользуется заслуженным авторитетом командир секции младший сержант по контракту Шавкат Холматов. Как и подобает военному профессионалу, он увлекает личным примером своих подчиненных, показывая образцы бдительности при охране доверенных объектов и войскового имущества.



Недаром говорят, что несение караульной службы — выполнение боевой задачи. Вот и младший сержант Ш. Холматов при подготовке очередного наряда в караул не забывает строго экзактовать всех воинов на

знание соответствующих положений. Общевоинских уставов, проводит инструктаж по мерам безопасности при обращении с оружием.

(Окончание на 2-й стр.).

Абдухолик Фиждувоний ва тасаввуф

Бухорода улуг аллома Абдухолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Қадим Бухорога Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар таширифи буюрди.

«Бухоро» меҳмонхонасининг мажлислар саллида «Абдухолик Фиждувоний ва тасаввуф» мавзуда илмий конференция бўлиб ўтди. Уни Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

вице-президенти Тўра Мирзаев бошқарди.

Анжуманда Узбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов, Узбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, ЮНЕСКОнинг Узбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн, Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Музроб Бўронов ва бошқалар сўзга чиқиб, алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у зот қолдирган улкан илмий меросининг аҳамияти хусусида гапирди. Хожа Абдухолик Фижду-

воний таълимоти инсонга муҳаббат, адолатпарварлик, бағрикенглик, ҳалоллик, Ватанга садоқат руҳи билан суғорилгани боис асрлар оша ўз маърифий аҳамиятини йўқотмай келаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Хусниддинов сўзга чиқди. Илмий конференцияда Бош вазир ўринбосари А. Азиз-хўжаев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОН,
Илҳом САФАР,
Ўза мухбирлари.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

каби соҳаларга онд йиғирмадан зиёд лойиҳани муҳофаза қилди. Улардан техникавий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилганларининг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларидан ошади. Кўриниб турибдики, изласа имкон топилди. Бу лойиҳалар янгилашган ҳамкорликнинг дебочаси эканлигини ҳисобга олсак, иқтисодий алоқаларимиз кўлами яқин йилларда бир неча барбар ошишига шубҳа йўқ.

Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим бўғинларидан бири транспорт коммуникациясидир. Худудидан бир неча транспорт йўлакларини ўтган, Бургас, Варна, Русе шаҳарларида замонавий бандаргоҳларга эга бўлган Болгария биз учун, ҳақиқатдан ҳам, Европага кўприк вази-фасини ўташи мумкин. Ислом Каримов 1998 йил Болгарияга сафари чоғида Варнадаги порт билан танишган

эди. Бу галги ташриф давомида Бургас шаҳрига бориб, Болгариянинг транспорт салоҳияти билан янада яқинроқ танишди.

Бу мамлакатда юк ташиш имкониятлари катта. Бандаргоҳлар яхши жиҳозланган, катта миқдордаги юкни орттириш, тушириш ва сақлаш имконияти бор, улар автомобиль ва темир йўл тармоқларига уланган. Уч томонлама келишувга биноан Варна портида Украина ва Грузиядан паромда келтирилган ёки жўнатиладиган юк даражаси тўловларидан озод қилинади. Мисол учун, Варна — Ильичевск — Потти/Ботуми йўлида тўрт паром ҳаракатланади. Улардан иккинчиси Болгарияга тегишли бўлиб, ҳар бири 108 вагон юкни синдира олади.

Хизмат кўрсатиш даража-

си ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун қўйидаги маълумотни келтириш kifоя. Поездни тайёрлаш, ҳужжатлаштириш ва божхона қайди учун атиги уч соат керак бўлади.

Албатта, бу сифатлар Ўзбекистон талабларига мос келади. Ислом Каримов бу соҳадаги ҳамкорликка тўхталиб, бир неча масалага изох берди. Аввало, транзит мамлакатлар билан келишган ҳолда кўп томонлама ҳужжат тузиш даркор. Шундангина Ўзбекистон Болгарияга бўлган мустақам йўлдан узлуксиз фойдаланиши мумкин. Президентимизнинг фикрича, бу ишда Болгария ташаббус кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, юк ташиш биринчи галда гуманитар фаолият ҳисобланади. Чунки у савдон ривож-

лантириш ва шу орқали алоқаларни мустақамлаш ҳамда халқлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз Ўзбекистон билан Болгария ўртасида божхона соҳаси бўйича битим тузиш таклифини билдирди. Божхонадан ўтишнинг енгиллаштирилиши бизга Европага йўлчи кенгайтириш, Болгария учун Марказий, Жанубий, Жануби-шарқий Оснэ минтақаларига чиқиш имкониятларини оширади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳақида гап кетганда, сайёҳлик соҳасига тўхталмай илож йўқ. Болгария сўнгги йилларда бу борада улкан ютуқларга эришмоқда. Ислом Каримов сафарининг сўнгги нуқтаси бўлган Несебир шаҳрида мам-

лакатларимиз ўртасида консуллик конвенцияси имзолангани чуқур рағбатли маънога эга эканлигини таъкидлади. Зеро, Несебир Болгариянинг йирик сайёҳлик марказларидан биридир.

Ислом Каримовнинг Болгарияга қилган давлат ташрифи икки томон учун ҳам гоёт фойдали натижалар билан якуланди. Таъкидланганидек, булар бошланғич ҳолос. Томонлар бир-бирининг имкониятларини энди тўлиқ ўрганиб чиқди. Муҳофаза қилинаётган таклифлар, лойиҳалар кўп. Президентимизнинг мақруф ташрифи ҳамкорлик учун талай янги имкониятлар очгани билан Ўзбекистон — Болгария муносабатлари солнома-сидаги ёрқин саҳифа сифатида тарихга кириши, шубҳасиз.

Анвар БОБОЕВ,
Ўза махсус мухбири,
Тошкент — София —
Бургас — Несебир —
Тошкент.

МАҚСАДИМИЗ БАРКАМОЛЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гуруҳимиз командири лейтенант Б. Ортиқов ҳар доим биз билан бирга. Унинг биз билан дилдан суҳбатлашиши, билмаганимизни ётиги билан тушутириши, Ўзбекистон тарихи ва буюк аждодларимиз ҳақида айтиб бераётган ҳикоялари алоҳида эътиборга сазовор. Командирларимизнинг тез-тез такоррлайдиган Соҳибқирон бобомизнинг: «Аскарни қудратли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскарни қудратли бў-

лур», — деган сўзлари қалбимиздан айниқса, муҳим жой олган. Бу сўзлар замирида эса жуда кўп маъно бор.

Биз — ёш аскарлар ўз энимамиздаги вазифани шараф билан ўташ интиқида ҳам жисман, ҳам маънан баркамолликка эришишни мақсад қилганмиз. Янги ўқув йилида ҳам сезиларли натижаларга эришишимизга имоним қолди.

Лейтенант
Ҳасан МИРЗАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

УВЛЕКАЯ ЛИЧНЫМ ПРИМЕРОМ

(Оқочание. Начало на 1-й стр.).

В данном коллективе внимание к подбору назначаемых в караул воинов самое пристальное, а сама система отбора носит ступенчатый характер. В первую очередь с каждым проводится собеседование заместителем командира подразделения по воспитательной работе — выясняет уровень психологической готовности потенциального часового или разводящего. Если у парня, как говорится, имеются проблемы с психологической устойчивостью, то в этом случае принимается соответствующее решение. Во-вторых, если в беседе с командиром секции тот обратит внимание на слабое знание обязанностей лиц ка-

раульного наряда, — это тоже становится основанием для отстранения от несения службы.

Каждый раз, готовясь к заступлению в караул командир секции стремится донести до подчиненных всю глубину важности сохранения бдительности и боевой настороженности. Ведь не только охраняемый объект, но и сам часовой с оружием в руках может привлечь к себе внимание людей с недобрыми намерениями. И потому воин должен быть всегда готов решительно дать отпор любой попытке проникновения на пост «незванного гостя».

Майор А. НУРОВ.
На снимке: младший сержант Ш. Холматов.
Фото А. МРУЧАКА.

Ҳаммаси ўз вақтида

Инсонга завқу шавқ улашувчи, димоғини чоғ, кайфиятини кўтарувчи нарсалардан бири ўзи ихлос қўйган машғулот билан шуғулланишдир. Уни кўпинча «хобби» деб аташади. Маълумки, дунёда бу каби хоббиларнинг турли кўринишлари мавжуд. Ҳар бири ўзгача бетакрор ва ўзгача қизиқдир.

— Ешликдан шеър йиғишга қизиқаман, — дейди оддий аскар Олим Рустамов. — Демокриманки, ўқиган газета ёки журналларимдан катта-кичик, турли мавзулардаги шеърларни тоза дафтар ёки альбомга бир четдан кўчириб чиқардим. Айниқса, ушбу шеър атрофларини турли нақшлар билан безатиш ёқтираман. Мана, кўриб турганингиздек, бу одатимни ҳалигача ташлаганим йўқ. Машғулотлардан сўнг, бўш вақтимда, «ижод» қилишга киришаман. Олимнинг тутган шундай дафтарининг навбатдагисини томоша қилиб, шеърини бу тарзда қадрловчи йигита қўйиб қолдик. Унинг бу сафарги «шеърлари»нинг аксарияти «Ватанпарвар»дан олинган мисралар ташкил этибди.

— Севимли газетам «Ва-

танпарвар»да шеър чоп этиладиган бўлса, айниқса хурсанд бўламан, — дейди йигит.

Муддатли ҳарбий хизматни жорий йилнинг баҳоридан ўтаётган оддий аскар О. Рустамов нафақат шеър, балки «яхши» ва «аъло» баҳолар йиғишга ҳам қизиқадди. Ахир мактабни, сўнгра қишлоқ хўжалик коллежини намунали тарзда битирган инсонни ўзгача таърифлаш қийин.

— Жамоамизда Олим ўзининг тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди гуруҳ командири катта лейтенант Х. Ядгаров. — Бу хислатларга эга бўлиш бизнинг кимёвий муҳофаза гуруҳимизда айниқса зарур. Маълумки, биз бевосита кимёвий моддалар билан иш олиб борамиз. Бундай ишда йўл қўйилган ҳар қандай хато, эътиборсизлик, вазифага жиддий ёндашмаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги сир эмас.

Ҳа, Қуролли Кучларимиздаги посбонларимизнинг «хобби»лари турлича. Бироқ, ютуқларининг болси умумий. Улар ҳар ишни ўз вақтида қиладилар.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

МАҚСАД АНИҚ — ЮТУҚЛАР КЎПАЯДИ

Бонлар ўз командириларини уялтириб қўйишгани йўқ. Шахсий таркибининг умумий баҳоси, тайёргарлик даражаси «тўрт» дея белгиланди.

Тўғриси айтиш керак. Бу натижага эришиш учун взвод командири катта лейтенантлар — Саидусмон Шералиев, Шавкат Шодмонов, гуруҳ командири лейтенантлар — Азизбек Қиличев, Музаффар Тожибоев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари — Журабек Юсупов, Илҳомжон Бобоев, Латифжон Аҳмедов, Умиджон Ҳайитов бошчилигидаги посбонлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Хусусан, саф тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлиги бўйича «аъло» ва «яхши» баҳолар кўп бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш мум-

кин. Афсуски, отиш машғулоти натижалари нутқилганидан пастроқ бўлди.

— Яқиний имтиҳонлардан сўнг ҳарбий жамоамиз, унинг ҳар бир аъзоси ютуқ ва камчиликларини жиддий таҳлил қилиб чиқдик. Ҳар ким ўзига тегишли хулоса чиқариб олди, — дейди биз билан суҳбатда батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Воҳиджон Тошалиев. — Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, десантчи посбонларимизнинг имкониятлари катта. Эрта-индин бошландиган йилги ўқув йилида мавжуд камчиликларни барга-раф этиш, ютуқларни янада кўпайтириш учун жиддий ҳаракат қиламиз. Бу бизнинг қисм жанговар шайлигини оширишга қўйган муносиб ҳиссамиз бўлади.

Майор Н. АЗИМОВ.



В танковом экипаже под командованием младшего сержанта по контракту Бахрома Исмонлова отзываются о рядовом Юнусе Абдуллаеве, как об отличном наводчике. Уроженец Ургутского тумана Самаркандского вилоята стал за время службы одним из лучших в части специалистом по ведению меткого огня. Передовой наводчик орудия хорошо понимает, что от верности установленного им

прицела зависят результаты труда всего экипажа. Поэтому воин неустанно работает над повышением уровня своей квалификации, с тем чтобы в любом эпизоде учебного боя — будь то стрельба с места, с коротких остановок или с ходу — каждый выстрел был метким и точно поражаля цели. На снимке: наводчик рядовой Ю. Абдуллаев, Фото Александра МРУЧАКА.

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

● ҲАРБИ СОҲА ЯНГИЛИКЛАРИ

КОИНОТДА ҚУРОЛЛАР


Пентагон яқин 25 йил ичида АҚШ армиясини энг замонавий қурооллар, жумладан, овоздан тез, учувчисиз ҳаракатланадиган самолётлар, коинотдан тўғридан-тўғри душман устига ташланадиган бомбалар билан таъминлашни режалаштирмоқда.

Ҳарбий таҳлилчилар фикрича, бундай янги қурооллар АҚШ ҳарбий базалари дунё мамлакатлари бўйича жойлаштирилиши ва АҚШ сиёсати бу давлатларга ҳам боғлиқ бўлиб қолишига барҳам берар экан. Ҳарбий техникаларнинг янги авлоди «Фалкон» деб аталган кодди ном остидаги дастур асосида яратилади. АҚШ мудофаа вазир-

лиги Интернетдаги ўз сайтида қуроол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналарга янги технологияларни таклиф этишларини сўраб эълон берди.

Таҳминларга кўра, мазкур аппаратлар овоз тезлигидан 10 барабар юқори тезликка эга бўлиб, улар олти тонналик жанговар қаллакни олиб учиб имкониятига эга бўлар экан. Янги аппаратлар қўшимча ёқилғи қуймасдан 9 минг миль масофага учиб имконига эга бўлади. Эс-эл-ви деб номланган мазкур коинот бомба ташувчисининг синови яқин етти йил ичида тугаланиши кўзда тутилган.

Қуролсозларнинг фикрига қараганда, бир неча марта



фойдаланиладиган бундай комплекслар ер атрофи орбитасига 500 килограммгача бўлган портловчи қаллакларни олиб чиқади. Сўнгра улар коинотдан туриб ердаги нишонга ташланади.

Янги жанговар қаллаклар синовини 2006 йилда, коинотга олиб чиқувчи тизим синовини эса 2007 йилда ўтказиш режалаштирилган.

БИЛАСИЗМИ?



Ер атрофида биринчи айланиб парвоз этган киши америкалик учувчи Вилли Пост ҳисобланади. У ерни бир ҳафта ичида айланиб чиққан. Кейинчалик, яъни 1938 йилда янги рекорд ўрнатилди. Говард исмли мультимиллионер ерни самолёт билан уч кунда айланиб чиқди.

Фазога «Спутник» кемасида биринчи учирилган жонивор Лайка лақабли кучукча эди. Бу тарихий воқеа 1957 йилнинг 3 ноябрида содир бўлган.

Ойга биринчи парвоз эса 1959 йил 2 январда амалга оширилди. Ушанда «Луна-1» номи билан сунъий йўлош Ойга 4660 миль масофага яқинлашган.

Илк мустақил полициянинг 1667 йил мартда Францияда асосий вазифаси қирол хавфсизлигини таъминлаш эди. Биринчи полиция детективи Эжен Франсуа эди. Биринчи аёл полициячи эса Алис Уэллс бўлган. Хоним 1910 йил 12 сентябрдан бошлаб полиция маҳкамасида ишлаб бошлаган.

Илк «Полароид» фотокамераси 1947 йил америкалик Эдвин Лейд томонидан ихтиро қилинган. Камеранинг ичига микролаборатория ўрнатилган бўлиб, расмини бир дақиқа ичида ишлаб чиқарарди. 1963 йилдан эса рангли суратларни бир неча сония ичида ишлаб бера оладиган модели чиқа бошлаган.

З. ИСАКОВА тайёрлади.

● БУ ҚИЗИҚ!

МУЗЕЙЛАР САЛТАНАТИ

АҚШ пойтахти Вашингтонга ташириб буюрган кўлаб сайёҳлар «Уйсизлар музейи»га ҳам боришади. Бу даргоҳга келган мижоз бир кун давомида ўзини уйсиз одам деб ҳис қилиши мумкин. Шу сабабли бошқа «дайди»лар билан уришиши, керак бўлса, овқат талашини ҳам мумкин. Баъзида жанжаллар муштлашувга айланиб кетиб, полиция уларни қамолда ҳам олади. Буни нимаси яхши, дерсиз? Гап шундаки, музей раҳбарияти бу ерга кўпроқ ёшларни таклиф қилмоқда. Зора, музейдаги аҳролни кўриб, ёшлар уйларида қочинини бас қилишса, деган ниятда! Япониядаги тату (баданга расм чизиш) музейи ҳам жуда машҳур. Бу ерда 100 дан ошиқ энг ноёб «асар» намуналари бор. Тату намуналарини музей ходимлари кўчадаги одамлардан шартнома асосида оладилар. Узаро шартномага кўра, ўша тату эгаси пул эвазига Улганидан сўнг ўз танасини музейга васият қилиб қол-


диради... Германияда эса жаҳонда ягона ҳисобланган сичқон қопқонлари музейи бор. У Марктобердорфе шаҳрида жойлашган. Музейда сичқонларга қарши 1000 га яқин қопқонлар турларини кўриш мумкин. Қадимги деҳқонлар фойдаланган оддий мосламалардан тортиб, замонавий электр қопқонларгача бор. Сицилияда эса мафияга бағишланган музей фаоллият кўрсатади. Мафия тарихига оид кўлаб ҳужжат ва видеотасвирлардан кўз қамашади. Уларни хоҳлаган шахс кўриши мумкин. Музей раҳбарияти бу ерда кино-эччиликка қарши анжуманлар ўтказишни таклиф қилишмоқда. Болгарияда ҳам антиқа музей бор — автоҳалокатга учраган машиналар намойиши. Музей майдонларида бундай автомобиллар тиқилиб ётибди. Ҳар бирининг пештоқида ёзув бўлиб, унда ҳалокат вақти ва қурбонлар сови қайд этилган.

Ҳикматлар

- Саҳий бўлиш жуда осон, қийини — адолатли бўлиш.
- Мўмин-қобиллик адолатпарварликнинг буюк мевасидир.
- Бир умр бахтли бўлишни истасанг — ҳалол одам бўл.
- Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди.
- Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат — уни ноҳалолликда гумон қилишдир.
- Адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.
- Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хору зор.
- Зулм асосига қурилган бино, газаб оташидан вайрон бўламан!
- Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.
- Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчаллик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир.
- Дунёда фақат ҳалол е, ҳалол ишла, ҳаромдан тоналган мол ҳеч кимга вафо қилмайди.
- Ер юзиде шундай яшашга уринки, топанг пулинг фақат тўғрилиқ орқали келган бўлсин!
- Кимдир ботин ҳаромдан пок эмас, Они руҳи қобили афлок эмас!

Ким қандай чойхўрлик қилади?

Ўзбекининг чой ичмаган кунин йўқ. Ошдан кейин ҳам, шўрвадан кейин ҳам, ҳатто чойдан кейин ҳам, чой ичаверади. Бироқ чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки, кўпгина бошқа халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истеъмол қилишда бир оз фарқ бор. Масалан, биз чойга қора мурч ёки асал қўшиб ичишни ёқтираемиз. Шу билан бирга дамланган чойимизни, эртанги кунга ҳам қолдираверамиз, совуқ чой қилиб, Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойлар кечадан қолган чойни илон захрига тенглаштиришади.




Ўсадиган, доимо яшил даҳрахт ва унинг хушбўй мағизли меваси) ва чиннигул аралаштириб ичиш қалмоқларнинг жону дили.

Ҳиндлар эса чойни совутиб, унга шакар, лимон аралаштириб муз билан ичишни хуш кўришади. Латин америкаликлар муз, ананас ва Куба ром (кучли спиртли ичимликнинг бир тури)ни аралаштириб ичишади.

А. САЛИХОВА тайёрлади.

РЕКОРДЫ ЖИВОЙ ПРИРОДЫ



По обонянию первенство, как считают ученые, занимают рыбы. Угри и лососевые возвращаются благодаря обонянию на икромет в свои «пенаты» за несколько тысяч километров. Морские черепахи тоже преодолевают тысячекilометровый путь для кладки яиц. Акула различает запах частицы, разведенной в миллионной доле воды. Некоторые виды собак различают до 20 тысяч запахов. Самое высокое животное — жирафа. Ее рост достигает 6 метров. Кстати, она питается и колочными растениями, как и верблюд, и может обходиться без воды целых полгода (верблюд — неделю).

По слуху первенство держат совы. Сова в полете слышит мышинный писк. Есть данные, что в комнате сова

слышит «топот» бегущего по стене таракана.

По дальности перелетов рекордсменкой признали полярная крышка. Птица, окольцованная 5 июля 1955 года в Канадском заповеднике (Кольский полуостров России) 16 мая 1956 года была отловлена у берегов Австралии.

По дальности зрения первенство держат орлы и соколы. Так, орел-беркут видит зайца на расстоянии 200 метров, а сокол видит голубя за километр.

Непревзойденным высотником является серый гусь. Миграционные полеты он выполняет на высоте 9000 метров.

Лучший ныряльщик — кашалот из семейства китовых: 2250 м. Человек без скафандра опускается до 104 м. Правда, живые существа обитают и на глубине 11 км 200 м. (Тихий океан, Марианская впадина).

Известной долгожительницей стала так называемая «хейльбронская щука», прожившая 267 лет и вошедшая в историю рекордов (вес 136 кг, длина 6 метров).

Подготовил Н. ЧУРСИНОВ.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

БАТАНПАРВАР

Объявления и реклама для опубликования в газете «Ватанпарвар» принимаются редакцией ежедневно с 9.00 до 16.00 (комн. 27)

Адрес: ул. Кунаева, 21 (ориентир гостиница «Россия»)

КУПЛЮ

- Шв. маш., оверлог, газ. и электр. плиты, холод, морозильники, стир. маш. Т.: 176-02-65.
- Дороже всех! Нагр. знаки, старинные монеты, изделия из серебра. Т.: 67-48-18.

ПРОДАЮ

- Холодильники и морозильники. Т.: 90-73-29.

РАЗНОЕ

- ЧФ «МАЖЕСТИК» Собир-Рахимовского района ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. Уста-Алим, д. 27.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 25 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бажона ва бошқа мажбурий тўловларни учун ҳарбий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 977,06
1 евро 1163,68

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

СОЧНИНИНГ СИРЛАРИ

Африкалик аёллар модага ёни бир дақиқалик хоҳишга қараб сочларини турма-лайдилар...

Ҳиндистоннинг айрим туманларида янги туғилган чақалонда исм қўйишда шундай қизиқ одат борки...

ЮРАККА САНЧИЛАН ИГНА

Колумбиялик Хосе Костильо юрагига санчилан игна билан 48 кун яшад...

ИНТЕРНЕТ-МОЗАИКА

СЪЕДОБНАЯ «ДЖОКОНДА»

Японские дизайнеры заменили холст и краски на шоколад. В витрине центрального токийского супермаркета «Мишукоси» появились копии знаменитой «Джоконды»...

В Танзании муж продержал свою жену на руках в течение 10 часов 49 минут и 15 секунд...

НЕОБЫЧНАЯ СВАДЬБА

В Эквадоре состоялась удивительная свадьба. Достойная сюжетом для сериала. Четверо братьев из маленькой деревушки Баба женились на четырех сестрах из соседней семьи...

ИСМ ҚАНДАЙ ҚУЙИЛАДИ?

Янги Зеландиянинг туб аҳолиси Уртасида аса исм қўйиш маросими янада фаройиб ўтказилди...

Юрaverди. Улар яна ўша «асаб бузулиши» деб таъхис қўйишди. Яхшиямки, унинг қариноҳлари бошқа шифокорларга кўрсатишди...

СВОЯ НОША НЕ ТЯНЕТ

всем честном народе и в честном поединке с другими супружескими парами. По условиям конкурса, мужья должны были как можно дольше продержат свои хрупкие (впрочем, вес женщины не оговаривался) вторые половины...

ХАНДАЛАР

Командир саф олдида де: — Хатарли топириқини бакариш учун менга унта кунгилли керак...

ХАНДАЛАР

Менинг хотиним нарсалари хомилгича ейиш жуда фойдали, дейди. Алдамий қўя қол. Менинг хотиним ҳам овқат қилишни бийлайди...

1 ДЕКАБРЯ 6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00 «Тахлилнома» 8.50 «Камалан» 9.45 «Тиббиёт»

Цирка ҳайвонлари ўргатувчи аёл тўғиб кўрсатишти. Тошота сўнгиди йўлбарс унинг оғзидан қанд олди. Тошобинлар буни олди...

Икки ҳамшилоқ аскар учрашиб қолди: — Хизматлар қалай, деб сўрамаган ҳам! — Хўш, хизматлар қалай?

ХАНДАЛАР

Менинг хотиним нарсалари хомилгича ейиш жуда фойдали, дейди. Алдамий қўя қол. Менинг хотиним ҳам овқат қилишни бийлайди...

Урта ёшлардаги эркак эрталаб уйғониб, атрофда қаради: вагга, икки қаватли уй, кенг, қомпоқ қроватда ётибди...

ХАНДАЛАР

Менинг хотиним нарсалари хомилгича ейиш жуда фойдали, дейди. Алдамий қўя қол. Менинг хотиним ҳам овқат қилишни бийлайди...

1 ДЕКАБРЯ

- 6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00 «Тахлилнома» 8.50 «Камалан» 9.45 «Тиббиёт» 10.00 «Тўғилган кунингизга» 10.05 «Тоглик» 10.55 «Агар Сиз» 11.20 «Узбекистон телекомпанияси хор жамоасининг концерти» 11.40 «Биз спортчилар олимпиадаси, сафимизга қушнингиз» 12.05 «Курсатувдан-курсатувгача» 12.35 «Болалар сайраси» 14.10 «Корачи чоллар» 15.40 «Адабий жараён» 16.00 «Ихтидор» 16.45 «Рақсар жилоси» 17.10 «Уларнинг дари — бизнинг ҳам дардимиз» 18.10 «Зумраша» 18.35 «Мушкор» 18.55 «Бахтли воқеа» 19.30 «Ахборот» 20.00 «Юзма-юз» 20.30 «Ахборот» 21.05 «Кўпчилиги каторида» 21.25 Тасано» 21.35 «СПИДдан эхтиёт бўлинг» 21.55 «Ошми» 22.25 «Оталар сузи — ақлнинг қузи» 23.30 «Ахборот-дайджест» 17.00 «Янги авлод» 17.15 Мультифильм 17.25 «Муруват» 18.10 Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунини «Саломат бўлинг» 18.35 Тафаккур ёлқинлари 18.50 Олтин мерос 18.55 21.55 Икким 19.00 22.00 Давр 19.40 «Меҳр қузда» 20.00 Мусликий лалхалар 20.10 Сув — ҳаёт манбаи 20.15 Ешлар овози 20.35 ТВ-авлоқ 20.45 «Гвадалупе» 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим 21.50 Олтин мерос 22.45 Интерфутбол

2 ДЕКАБРЯ

- 17.20 «Дом собак» 17.45 «Экран — детям» 17.55 «Международные новости» 18.00 «Экспресс» 18.10 «Медицина для вас» 18.30 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» 18.45 «Табриклимайиз-кулмайиз» 19.15 «Хорж хабарлари» 19.20 «Под углом 23,5» 20.20 «Авто-ньюс» 21.00 «Узбекистон Конституцияси — истиқболимиз коммуниси» 21.20 «Цыганское счастье» 22.20 Кинооқо, «Ягуар» 6.00 ОРТ 6.00-8.30 18.05 Вести 18.15 «Парле ву франсе» 18.35 «Новости от Еврорьюс» 19.00 «Земля любви, земля надежды» 20.00 Жди меня 21.00 Время 21.30 «Бизнес-ревью» 21.35 «Саломея» 22.25 «Семья Великобритании» 22.55 «Ахборот» 23.30 «Опасные связи» 9.05 Фильм «Францис и Джонни» 11.20 «Ералаш» 11.40 Следствие ведет Колосов 12.10 Город женщин 13.10 «Фильм Давай пожениться» 15.00 18.00 «Новости (с субтитрами)» 15.20 «Фабрика звезд-3» 15.30 «Угадай мелодию» 16.00 «Берег мечты» 17.00 «Большая стирка» 19.00 «Земля любви, земля надежды» 20.00 Жди меня 21.00 Время 21.30 «Родина ждет» 22.40 Криминальная Россия «Казак-разбойник» Часть 1-я

3 ДЕКАБРЯ

- 23.10 «Театр кукол» 23.40 «Искатели» 00.10 «Русский экстрим» 00.40 «Две жизни» 1.10 Боевик «Полицейский» 2.50 Фильм «В поисках Бобби Финнера» 4.35 Новое чудеса света «Эрсселл Атонгу» 5.05 «Убойная служба» 3.00 «Доброе утро, Россия!» 6.45 Комедия «Золотой ребенок» 8.35 «В «Горю» 8.45 11.45, 14.30, 22.25, 2.45 Вести. Дежурная часть 9.00 12.00, 15.00, 18.00 Вести 9.30 12.10, 14.40, 18.30 Местное время Вести — Москва 9.50 «Короткое замыкание» 10.50 Вести недели 12.30 «Что хочет женщина» 13.30 «Леди Мэр» 15.10 «Бандитский Петербург» 16.10 «Ундина» 17.00 «Выборы-2003» 18.50 Спокойной ночи, малыши 19.55 «Линия судьбы» 20.00 «Оперативный псевдоним» 21.00 «Вести +» 21.20 «Дежурный по стране» 22.15 «Народный артист» 22.40 Всемирный день борьбы со СПИДом 23.45 Музыкальная комедия «Веселье в Аканульго» 1.20 «Дорожный патруль» 1.35 Канал «Евробьюс» (рус.) 8.30 «Победоносный голос верующего» 9.00 «Ураганчики» 9.30 «Комната сына» 11.30 «Тайное свидание» 13.00 «Девятые врата» 15.30 «Борьба за выживание» 16.00 «Похититель» 18.00 «Вакуум» 20.00 «Остаться в живых» 20.30 «Борьба за выживание» 21.00 «Плачущий убийца» 23.00 «Вдали от городов» 1.00 «История о привидениях» 2.45 «Лучшие шоу мира»

4 ДЕКАБРЯ

- 6.00 Утро на НТВ 8.50 «Растительная жизнь» 9.25 «Без репутации» 10.00 «Сегодня утром» 10.25 «Намедни» 12.00 15.00, 17.00, 19.00, 22.00 Сегодня 12.35 «Фото» 14.30 «По праву» 15.35 Ток-шоу «Принцип «Домашний»» 17.30 «Она написала убийство» 18.35 «Внимание: розыск!» 19.35 «Агентство «Золотая пуля»» 20.45 «Черный ворон-2» 22.30 «Красная стрела» 22.45 «Клиент всегда мертв» 00.05 «Агентство «Золотая пуля»» 1.15 «Страна и мир» 8.25 «24» Информационная программа 9.00 «Гаджет и Гаджет» 9.25 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры в космосе» 9.50 «Трансформеры» 10.30 «Неделя» с М. Максимова 11.30 «24» Информационная программа 11.50 «Дарма и Грег» 12.20 Психологическая драма «Официант» 14.25 «Дикая планета» 15.00 «Истинная любовь» 15.55 «Диалог со всем миром» 16.30 «24» Информационная программа 16.50 «Нект-3» 18.00 «Супершоу братьев Марио» 18.25 «Пауэр Рейнджерс, или Могучие рейнджеры в космосе» 18.50 «Маска» 19.15 «Тени исчезают в полдень» 21.55 «Футурама» 22.20 «Нект-3» 23.30 «24» Информационная программа 00.10 Фильм ужасов «Питон» 2.45 «Лучшие шоу мира»

Table with 4 columns: Channel, Program Name, Start Time, End Time. Lists various TV programs and their schedules for December 4th, 5th, and 6th.

ГОРОД «ГОЛУБЫХ КУПОЛОВ»

Интерес к древней истории и богатой культуре нашей страны огромен во всем мире. Об этом свидетельствуют как обширные материалы об Узбекистане в зарубежной печати, так и документальные фильмы, повествующие об исторических шедеврах, монументальных творениях наших великих предков, оставивших глубокий след в мировой цивилизации.

Недавно на одном из крупнейших телевизионных каналов Германии «SAT-3» был показан полнометражный документальный фильм из мировой серии «Мировые сокровища культуры», который посвящен многовековой истории жемчужины Востока — города Самарканда. Примечательно, что в фильме повествование идет от лица великого Сахибкирана Амира Темура.

«Самарканд! Моя столица, мой город «голубых куполов». 2500 лет насчитывает твоя история. Город, который не подвластен времени. Здесь начиналась моя империя, моя династия Темуридов».

Такими словами начинается рассказ об истории создания грандиозных памятников архитектуры Самарканда — площади Регистан, мавзолей Гур-Эмир и Биби-

Ханум, оригинальности и неповторимости всей архитектуры эпохи Темуридов, ставшей моделью для многих стран мира и являющейся уникальным образцом зодчества.

Все это сопровождается повествованием Сахибкирана, который как бы незримо присутствует среди нас, являясь свидетелем событий минувших лет. И когда в кадре звучат слова Амира Темура о провозглашении Узбекистаном независимости в 1991 году, у зрителя создается впечатление, что будто наш великий предок через призму прошедших веков переживает эти дни вместе с нами, благословляя Узбекистан на великие свершения.

Аслам АКБАРОВ,
ИА «Жахон»,
Берлин.

● ФУТБОЛ

Футболчиларимиз рейтинги ошмоқда

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА терма жамоаларнинг навбатдаги рейтинг жадраллини эълон қилди. Унга кўра, беш карра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб турибди. Европа вакиллари — Франция ва Испания кучли учликдан жой олган.

ФИФАнинг ноябрь ойи учун эълон қилган рейтингда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 30 ногона юқорига кўтарилди. Бунга футболчиларимизнинг келаси йили Хитойда ўтказилган Осиё

чемпионатининг саралаш босқичида туртга гаалаб, биттадан дуранг ва мағлубият билан «А» гуруҳи баҳсларини пешқадам сифатида якулаб, ўз рейтингига 87 очко қўшгани сабаб бўлди. Бунгача Ўзбекистон терма жамоаси 109-ўринда эди.

Футболчиларимиз Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этса, ФИФА рейтингидида 79-ўрин терма жамоамиз учун сўнги чегара бўлмайди.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

7 декабря в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

Этот выпуск состоит из двух частей. Первая — посвящена началу нового учебного года и зимнего периода обучения. Во второй части тележурналисты расскажут о принятии новичками Военной присяги и службе граждан мобилизационного призывного резерва.

Повтор данного выпуска телезрители имеют возможность посмотреть во вторник, 9 декабря, в 16.55.


Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД ОПУБЛИКОВАННЫ В № 140

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 1. «Адиас». 4. Страда. 7. Абак. 8. Ирис. 9. Аббатство. 13. Редис. 18. Доход. 17. Серафим. 18. Ганак. 19. Досье. 21. Идиллия. 22. Стенд. 23. Пенал. 28. Конкордат. 30. Ларь. 31. Град. 32. Невроз. 33. Партер.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Абжур. 2. Ирак. 3. Скоба. 4. Савва. 5. Аура. 6. Абсурд. 10. Тесак. 11. Филлигран. 12. Монсеньор. 14. Веранда. 15. Синомия. 20. Блюдо. 22. Столон. 24. Линдер. 25. Показ. 26. Салон. 27. Нрав. 29. Прут.

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ:

1. Отколовшийся кусок. 4. Спортивное сооружение. 8. Что за ..., а драки нет? 10. Древнегреческий струнный инструмент. 11. Предок счетов. 12. Движущаяся лестница. 15. Стадо оленей. 18. Круглая котлета. 19. Выборный представитель. 20. Промежуток времени, равный периоду обращения Земли вокруг Солнца. 21. Возлюбленная Адама. 23. Лицом и смотрящему. 24. Драп с мягким, густым, коротким ворсом. 25. Жилые здания. 26. Крупная южноамериканская змея из семейства удавов. 28. Певчая птица с темным оперением. 30. Секрет. 31. Лицемер, прикрывающийся добродетельностью. 37. Вымершее морское пресмыкающееся с рыбообразным телом. 39. Религиозный запрет. 40. Брат Авеля. 41. Разновидность верблюда. 42. Лабораторный сосуд. 43. Разглашение тайны.

ПО ВЕРТИКАЛИ:

1. Крупная административно-территориальная единица. 2. Наказание. 3. «Шмон» по сути. 5. Семейство цыган. 6. Деревянный дом. 7. Татуировка. 8. След на коже от раны. 9. Тьма. 13. Основание здания. 14. Пластика с делениями, по которым движется стрелка в часах. 16. Изображение, выбитое на металлическом изделии. 17. Длинный подземный ход. 20. Проводник при туристах. 22. Знаменитый попугай. 27. Лицо, дающее знак и началу спортивного состязания. 29. Лодка Кости-морьяна. 32. Рогатка для подхватывания горшков из русской печи. 33. Символ государства. 34. Рисунки, являющийся сочетанием линий, красок, теней. 35. Глубокая длинная впадина на поверхности земли. 36. Продажа готовой продукции. 38. Красная планета.

Составила
З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Эта неделя в целом конструктивна и благоприятна для вас. План на ближайшее будущее лучше строить по утрам, чем раньше — тем удачнее они будут по части реализации. Займитесь бытовыми вопросами, будничными домашними делами и не принимайте скоропалительных решений. Будьте осторожны при общении с коллегами по работе, вы можете сказать лишнее.

ТЕЛЕЦ. Не стоит упрямяться понапрасну, проявите мудрость, и ваша слабость обернется силой. Не спешите заключать контракты. Многие может легко удаваться, но ничем важным и серьезным все же лучше не заниматься. Постарайтесь сконцентрироваться и не разбрасываться по мелочам. Может обостриться интуиция. Воскресенье — благоприятный день для благоустройства дома или квартиры.

БЛИЗНЕЦЫ. На этой неделе вам понадобятся такие качества, как предусмотрительность и умение мгновенно принимать решения. Ваши отношения с начальством могут оказаться напряженными, а это может быть выражено в претензиях и конфликтной ситуации. Четверг — очень удачный день для

учебы. Деловые переговоры могут оказаться весьма плодотворными.

РАК. Поверьте в свои силы, гоните прочь от себя неуверенность и страхи. Полезно четкое планирование ситуаций предстоящего месяца. Вы можете рассчитывать на поддержку друзей и близких людей. Воскресенье может оказаться активным днем, который потребует от вас проявления решительности, не бойтесь предпринять важные шаги.

ЛЕВ. На этой неделе препятствия или ограничения на вашем пути просто исчезнут. Действуйте, двигайтесь вперед. Удача во многом будет сопутствовать вам, многие дела благополучно решатся, но не стоит торопиться с началом новых проектов. Вам необходимо тщательно все просмотреть, признаться в допущенных ошибках и постараться заняться их исправлением. От вас будет зависеть семейное благополучие, поэтому проявите истинные царские качества.

ДЕВА. На этой неделе используйте свою коммуникабельность на сто процентов, это поможет в реализации планов и замыслов. Окажутся удачными поездки и командировки. Пятница весьма удачный день для построения фундамента

для будущих проектов. В этот день вам необходимо заняться семейными и домашними проблемами, внимательно прислушайтесь к советам родственников.

ВЕСЫ. На этой неделе у вас появится блестящий шанс справиться с тактическими задачами. Не следует много говорить, а тем более кричать, желательно следить за своими словами. Можно успешно избавиться от слов, засоряющих вашу речь.

СКОРПИОН. Вторник может быть связан с активной борьбой, агрессивней и провокациями. Среда может порадовать открывающимися перспективами — и отрядными событиями. В субботу к вам может поступить интересное деловое предложение. Вы можете показать высший пилотаж, виртуозно устранив все недоразумения.

СТРЕЛЕЦ. Понедельник и вторник — прекрасные дни для новых планов и замыслов и для начала их реализации. Нежелательно усугублять конфликтные ситуации, будьте осторожны, так как может поступить ложная информация. Отложите все серьезные дела и занимайтесь лишь теми, которые можно быстро завершить. Внимательнее отнеситесь

к своему самочувствию.

КОЗЕРОГ. На этой неделе у вас появится желанная свобода действий. Но ей необходимо разумно распорядиться. Постарайтесь следить за своей речью и прежде, чем произнести что-либо, подумайте, а так же постарайтесь быть честным с собой и окружающими. Воскресенье может оказаться великолепным днем для отдыха и личных побед.

ВОДОЛЕЙ. На этой неделе попытайтесь четко высказать, устранив ли вас та роль, которую вы сейчас исполняете? Оглядитесь по сторонам и без иллюзий взгляните на свою жизнь, так как наступил момент конструктивных изменений. Четверг — удачный день для реализации задуманного, постарайтесь добиться желаемого, однако реалистично рассчитывайте свои силы.

РЫБЫ. На этой неделе постарайтесь не давать никому никаких обещаний, выполнять их в срок и как следует будет просто невозможно. Стоит серьезно задуматься о будущем, многие творческие замыслы начнут исполняться. Постарайтесь быть внимательными, особенно с близкими людьми, они могут ждать вашей поддержки.

Бош муҳаррир

полковник

И. Қ. АБДУКАРИМОВ

Газета выходит по вторникам,
четвергам, субботам.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:

Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21,

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.

Рег. № 00050.

Отпечатано в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0410.